ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИШМЕТОВ АЗАД ЯНГИБАЕВИЧ

ТОПОЛОГИК ФАЗОЛАРДАГИ ИДЕМПОТЕНТ ЭҲТИМОЛЛИК ЎЛЧОВЛАРИ ФАЗОСИНИНГ ГЕОМЕТРИК ВА ТОПОЛОГИК ХОССАЛАРИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 515.12

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИШМЕТОВ АЗАД ЯНГИБАЕВИЧ

ТОПОЛОГИК ФАЗОЛАРДАГИ ИДЕМПОТЕНТ ЭҲТИМОЛЛИК ЎЛЧОВЛАРИ ФАЗОЛАРИНИНГ ГЕОМЕТРИК ВА ТОПОЛОГИК ХОССАЛАРИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/FM310 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Заитов Адилбек Атаханович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Джаббаров Гайратбай Фархадович физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» ноябр соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99878) 227-12-24, факс: (+99878) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99878) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «3» ноябр куни тарқатилди.
(2020 йил «31» 10 даги 8 рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф.-м. ф. д., профессор, академик

Н. К. Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м. ф. ф. д.

Р. Б. Бешимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида илмий-техник тараққиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши фундаментал тадқиқотларнинг, шу жумладан математиканинг янги соҳаларини ривожлантириш ва олинган натижаларни амалиётга тадбиқ қилишни талаб этмоқда. Математикадаги амалиёт талабларидан келиб чиқадиган кўпгина масалалар оптималлаштириш ва оптимал бошқариш масалаларига келтирилади. Математика, математик физика ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида идемпотент ўлчови (Маслов ўлчови) тушунчасининг кўплаб татбиқлари амалда қўлланилмоқда. Хусусан, бундай ўлчовлар динамик оптималлаштириш масалаларида юзага келади. Шунингдек, математик иқтисодиётда ноаниқликни моделлаштириш учун Маслов ўлчовларидан фойдаланиш классик эҳтимоллик назариясидан фойдаланиш каби муҳим бўлиши мумкинлиги сабабли, идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг геометрик ва топологик назарияси бўйича олинган натижалар ҳам назарий, ҳам тадбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда дастлабки фазо ва функтор, жумладан, идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори таъсирида олинган ҳосилавий фазо орасидаги боғлиқликни аниқлаш масаласи замонавий функторлар назариясининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Анъанавий математикани сонлар майдони устида квант назарияси каби талқин қилиш мумкин. Унинг “классик аналоги” – идемпотент математика, яъни идемпотент қўшиш амали билан аниқланадиган ярим майдонлар (ва ярим ҳалқалар) устидаги математика ҳам мавжуд. Идемпотент математика анча ривожланган. Хусусан, идемпотент функционал анализ қурилган; идемпотент ўлчовлари ва оптималлаштириш ўртасидаги ўхшашлик қайд этилган. Идемпотент эҳтимолликлар ўлчовига анъанавий математикада эҳтимолликлар ўлчови мос келади. Аммо, натижалар шуни кўрсатадики, эҳтимоллик ўлчовлари ва идемпотент эҳтимоллик ўлчовларининг ўхшаш натижаларни исботлаш учун турли хил усуллар талаб қилинади. Шунинг идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг геометрик ва топологик хоссаларини ўрганиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда табиий ва аниқ фанларга эътибор сезиларли даражада кучайтирилди, хусусан, оптималлаштириш ва оптимал бошқариш масалаларини тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу соҳада мақсадли илмий изланишларни, хусусан, топологик фазолардаги идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг геометрик ва топологик хоссаларини қўллаш муҳим вазифалардан биридир. Бугунги кунда мамлакатимизда “Функционал анализ, геометрия ва топология[1] фанларининг устувор

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди. Қарор ижросини таъминлашда топологик фазолардаги идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3582 сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сонли “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 9 июлдаги № ПҚ-4387 “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ЎзР ФА В.И. Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Идемпотент анализ устида дастлабки тадқиқотлар В. П. Масловнинг XX аср 80 йиллари охирида чоп қилинган ишларидан бошланган. XXI асрнинг бошларидан ҳозирги вақтгача идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазосини, Тихонов ва компактлар категориясида ҳаракатланувчи идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функторини тадқиқ қилиш функторлар назариясининг асосий бўлимларидан бири бўлиб қолмоқда.

Идемпотент функционал анализ В. П. Маслов, В. Н. Колокольцов, Г. Л. Литвинов ва бошқаларнинг ишларида қурилган ва ривожлантирилган. М. Заричный, Т. Радул, Т. Банах, А. А. Заитов, И. И. Тожиев, O. Hubal, V. Brydun, A. Savchenko, M. Cencelj, D. Repovš ва бошқалар ўз тадқиқотларида категорик усуллардан фойдаланган ҳолда нафақат ушбу назарияни, балки ковариант функторлар назариясини ва умумий топологияни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшган.

Е. Щепин ўз ишида компакт фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида нормал функтор тушунчасини киритган. А. Ч. Чигогидзе ўз ишида, нормалликни сақлайдиган $F_{\beta}: Tych \to Tych$ функторни – $F: Comp \to Comp$ нормал ковариант функтор кенгайтмасини қуриш усулини таклиф қилган. М. Заричный компакт фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида $I: Comp \to Comp$ идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функторининг категориявий хоссаларини ўрнатган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура қурилиш институти Математика ва табиий фанлар кафедрасининг бош илмий йўналиши “Ночизиқли анализ, физика ва механиканинг замонавий муаммолари” (2015-2020) мавзусидаги, Тошкент давлат педагогика университетининг Ф4-27 “Топологик фазоларда ҳаракатланувчи айрим ковариант функторларнинг топологик ва кардинал хоссалари” (2012-16) мазусидаги ва Ўзбекистон миллий университетининг ОТ-Ф1-096 «Динамик полисистемалар назарияси масалаларини ечиш учун геометрик ва топологик методлар ишлаб чиқиш ва яратиш» (2007-2011) мавзусидаги илмий-тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади топологик фазолардаги идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг геометрик ва топологик хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$I(X)$ компактнинг берилган X компактни ретракт сифатида сақлайдиган қисм фазосини ажратиб кўрсатиш;

идемпотент эҳтимолликлар ўлчовлари фазосининг гомотоп хоссаларни ўрнатиш;

I функторни $Comp$ категориясидан кенгроқ $Tych$ категориясига кенгайтириш ва I_β идемпотент эҳтимолликлар ўлчови функторнинг ($Tych$ маъносида) нормаллигини ўрнатиш;

I_β функторнинг геометрик хоссаларини ва Тихонов фазоларда C-хоссаларни сақлашини ўрнатиш.

Тадқиқотнинг объекти чекли даражали идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори ва компакт ташувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоси.

Тадқиқотнинг предмети умумий топология, функторлар назарияси, идемпотент анализ.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида умумий топология, функторлар назарияси, идемпотент анализ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Берилган X компакт учун $I(X)$ идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазонинг чекли элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовларидан иборат қисм фазоси ажратилган ва бу қисмфазо берилган X компактни ретракт сифатида сақлаши ўрнатилган.

Ажратилган бу чекли элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоси фақат ва фақат X фазо ANR-компакт бўлсагина ANR-фазо бўлиши ўрнатилган.

Ажратилган бу чекли элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоси ва X фазонинг шейплари тенглиги кўрсатилган.

Comp компакт фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясидаги I функторни *Tych* Тихонов фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясигача кенгайтмаси – компакт элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори таклиф қилинган ва бу функтор Тихонов фазоларининг очиқ узлуксиз акслантиришларини сақлаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

I_f идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори қурилган ва қуйидаги масалалар қаралган: идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоси тортилувчанлиги; абсолют (атрофли) ретрактларга идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари I_f функторининг таъсири;

Тихонов фазолар категориясида I_β идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функторнинг $\max$-plus-қаварик қисм функторлари тадқиқ қилинган. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу ишда анъанавий ҳол учун қўлланилган усуллардан катта фарқ қиладиган янги усул таклиф қилинган, бу усул функторлар назариясини янада ривожлантиришда ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий топология, функторлар назария, идемпотент таҳлил усулларини қўллаш, шунингдек математик фикрлашнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чекли элтувчили ва компакт элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори нормаллигини, чекли элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг кучли деформацион ретрактлигини, тортилувчан компактлигини, абсолют атрофли ретрактлигини исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг геометрик ва топологик хоссаларини тадқиқ қилиш оптималлаштириш ва оптимал бошқариш масалаларини таҳлил қилишда амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Топологик фазолардаги идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазосининг геометрик ва топологик хоссаларига оид олинган натижалар асосида:

Тихонов фазолардаги идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазосининг геометрик ва топологик хоссалари ОТ-Ф4-42 “Ярим аддитив τ-силлиқ ва Радон функционаллар фазоларининг кардинал ва топологик хоссалари” номли давлат лойиҳасида ярим аддитив τ-силлиқ фазоларининг геометрик ва топологик хоссаларига оид муҳим масалаларни ечишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 14 октябрда вазир ўринбосари У. Бегимқулов имзоси билан берилган 89-03-3914 рақамли маълумотнома). Диссертация натижалари Тихонов фазолари категориясида ҳаракатланувчи ярим аддитив τ-силлиқ функционаллар функторининг топологик, категорик, геометрик ва кардинал хоссаларини тадқиқ қилиш имконини берган;

- идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазосининг геометрик хоссалари, идемпотент ўлчови (Маслов ўлчовлари) тушунчаси иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва ПЗ-20170929173 “Ўзбекистонда уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш (Тошкент шаҳри мисолида)” номли лойиҳада уй-жой фонди ўзига хослигидан келиб чиқиб синфлаштиришни геометрик таҳлил қилишга оид масалаларни ечишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 14 октябрда вазир ўринбосари У. Бегимқулов имзоси билан берилган 89-03-3914 рақамли маълумотнома). Диссертация натижалари грант доирасида юзага келган оптималлаштириш ва оптимал бошқариш масалаларини ўрганишда ва уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика, илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 81 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазосидаги топология ҳақида»** деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда диссертация натижаларини ёритишда керак бўладиган тушунча ва фактлар ёритилган. Бу боб учта параграфдан иборат.

Биринчи параграфда умумий топология ва ковариант функторлар назариясидан тушунчалар келтирилган. Ушбу тушунчаларнинг айримларининг маънолари келтирилган.

Иккинчи параграфда суст аддитив, тартиб сақловчи, нормаланган функционаллар таърифлари ва уларнинг хоссалари келтирилган.

Учинчи параграфда идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари таърифи келтирилган.

Таъриф 1.3.1. Ушбу

(1) барча $\lambda \in \mathbb{R}$ учун $\mu\left(\lambda_X\right)=\lambda$ бўлади, бунда λ_X – ўзгармас функция;

(2) барча $\lambda \in \mathbb{R}$ ва $\varphi \in C(X)$ учун $\mu(\lambda \odot \varphi) = \lambda \odot \mu(\varphi)$ бўлади;

(3) барча $\varphi,\ \psi \in C(X)$ учун $\mu(\varphi \oplus \psi)=\mu(\varphi)\oplus \mu(\psi)$ бўлади

шартларни қаноатлантирувчи $\mu : C(X) \to \mathbb{R}$ функционал X даги идемпотент эҳтимоллик ўлчови дейилади. $\mu(\varphi)$ сони μ га мос Маслов интеграли дейилади.

Бу параграфда қуйидаги тасдиқ исботланган.

Тасдиқ 1.3.1. Идемпотент эҳтимоллик ўлчови узлуксиз.

X компактдаги барча идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари тўпламини $I(X)$ орқали белгилаймиз. $I(X)$ ни тўғри чизиқларнинг $\mathbb{R}^{C(X)}$ Тихонов кўпайтмасининг фазоости деб қараймиз. $\mu \in I(X)$ идемпотент эҳтимоллик ўлчовининг $\mathbb{R}^{C(X)}$ дан $I(X)$ га сингдирилган топологияси (бу топология нуқтали яқинлашиш топологияси билан устма-уст тушади) бўйича атрофлар базасини

$$\langle \mu;\varphi_1,\dots,\varphi_n;\varepsilon\rangle=\left\{\nu \in I(X): \left|\nu(\varphi_i)-\mu(\varphi_i)\right|<\varepsilon,\ i=1,\dots,n\right\}$$

кўринишдаги тўпламлар ҳосил қилади, бунда $\varphi_i \in C(X)$, $i=1,\dots,n$ ва $\varepsilon>0$.

X компакт учун нуқтали яқинлашиш топологияси билан таъминланган $I(X)$ фазо компакт бўлади. X, Y – компактлар, $f: X \to Y$ – узлуксиз акслантириш бўлсин. $I(f): I(X) \to I(Y)$ узлуксиз акслантиришни

$$I(f)(\mu)(\psi)=\mu(\psi \circ f)$$

тенглик орқали аниқлаймиз.

Шундай қилиб, I конструкция компактларни компактларга, компактларнинг узлуксиз акслантиришларини компактларнинг узлуксиз акслантиришларига ўтказади, яъни I конструкция компактлар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида таъсир этувчи функтор ҳосил қилади. Ундан ташқари, I конструкция нормал функтор бўлади. Шунинг учун ҳар бир X компакт ва ихтиёрий $\mu \in I(X)$ идемпотент эҳтимоллик ўлчови учун унинг элтувчисини аниқлаш мумкин:

$$\operatorname{supp}\mu=\bigcap\left\{A \subset X:\ \bar{A}=A,\ \mu \in I(A)\right\}.$$

X компакт ва n мусбат бутун сон учун

$$I_n(X)=\{\mu\in I(X):\ |\mathrm{supp}\mu|\le n\}.$$

тўпламни аниқлаймиз. Ушбу тўпламни қараймиз

$$I_\omega(X)=\bigcup_{n=1}^{\infty} I_n(X).$$

$I_\omega(X)$ тўплам $I(X)$ да зич бўлади. $\mu\in I_\omega(X)$ элементни чекли элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчови дейилади.

X компактнинг x нуқтаси учун $\varphi\in C(X)$ даги қиймати $\delta_x(\varphi)=\varphi(x)$ тенглик билан аниқланадиган $\delta_x: C(X)\to\mathbb{R}$ функционал Дирак ўлчови дейилади. Ҳар бир Дирак ўлчови идемпотент эҳтимоллик ўлчови бўлади, ваҳоланки, $\mathrm{supp}\delta_x=\{x\}$. Қуйидагини таъкидлаймиз

$$X\cong\delta(X)=\{\delta_x: x\in X\}=\{0\odot\delta_x: x\in X\}=I_1(X).$$

Ҳар бир μ чекли элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчови

$$\mu=\lambda_1\odot\delta_{x_1}\oplus\lambda_2\odot\delta_{x_2}\oplus\ldots\lambda_n\odot\delta_{x_n} \qquad (1.3.2)$$

кўринишда (ўрин алмаштириш аниқлигида) ягона ифодаланади, бунда $\{x_1,x_2,\ldots,x_n\}$ тўплам μ нинг элтувчиси, яъни $\mathrm{supp}\mu=\{x_1,x_2,\ldots,x_n\}$. Бу ерда λ_i коэффициентлар

$$\lambda_i>\mathbf{0}=-\infty,\ i=1,2,\ldots,n \quad \text{ва} \quad \lambda_1\oplus\lambda_2\oplus\ldots\oplus\lambda_n=\mathbf{1}=0, \qquad (1.3.3)$$

шартларни қаноатлантиради ва мос равишда x_i нуқтанинг $\max$-plus-барицентрик массаси дейилади, $i=1,2,\ldots,n$.

Берилган X компакт учун чекли элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовларининг $I_f(X)$ тўпламини қуйидагича аниқлаймиз

$$I_f(X)=\{\mu=\oplus_{i=1}^{n}\lambda_i\odot\delta_{x_i}\in I_\omega(X): \lambda_{i_0}=0 \text{ тенглик фақат биттагина } i_0 \text{ индекс учун бажарилади ва барча } i\in\{1,2,\ldots,n\}\backslash\{i_0\} \text{ учун } \lambda_i\le -\ln(n+1) \text{ бўлади}\} \qquad (1.3.4)$$

Диссертацияда $I_f(X)$ тўпламнинг бундай аниқланиши асосланган. I_f конструкция $I_f: Comp\to Comp$ функтор ҳосил қилиши кўрсатилган.

Кейин *Comp* компактлар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида таъсир этувчи I функторнинг кенгроқ категорияга – *Tych* Тихонов фазолари ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясига кенгайтмаси бўлган I_β функтори таклиф этилган.

X Тихонов фазоси, βX унинг Стоун-Чех компакт кенгайтмаси бўлсин. Ушбу тўпламни қараймиз

$$I_\beta(X)=\left\{\mu\in I\left(\beta X\right):\mathrm{supp}\mu\subset X\right\}. \qquad (1.3.5)$$

Тихонов фазоларининг $f:X\to Y$ узлуксиз акслантиришига мос

$$I_\beta(f)=I(\beta f)\,|\,I_\beta(X), \qquad (1.3.6)$$

акслантиришни аниқлаймиз, бунда $\beta f:\beta X\to\beta Y$ акслантирамиз f нинг узуксиз давоми.

Диссертациянинг «*Comp* **категорияда идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг категорик ва геометрик хоссалари»** деб номланган иккинчи боби учта параграфдан ташкил топган. Биринчи параграфда чекли элтувчили ва чексиз даражали идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари I_f функтори ёритилган. I_f функторнинг категорик хоссалари ва $I_f\left(X\right)$ фазонинг геометрик хоссалари ўрнатилган, бу ерда X компакт. Қуйидаги тасдиқ биринчи параграфнинг асосий натижаси бўлади.

Теорема 2.1.1. I_f конструкция компакт фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида нормал функтор бўлади.

Иккинчи параграфда идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазосининг геометрик хоссалари ёритилган.

X фазонинг Y га ретракцияси деб аталувчи $r:X\to Y$ акслантириш (яъни $r|_Y:Y\to Y$ чекланиши $\mathrm{id}_Y:Y\to Y$ айний (барча $y\in Y$ учун $r\left(y\right)=y$)) мавжуд бўлса, X топологик фазонинг Y қисми X нинг ретракти дейилади. Агар $r:X\to Y$ ретракция бўлиб, барча $x\in X$ учун $h\left(x,0\right)=x$, $h\left(x,1\right)=r\left(x\right)$ бўлса, r деформацион ретракция, Y эса X фазонинг деформацион ретракти дейилади. Агар $h:X\times\left[0,1\right]\to Y$ гомотопия барча $x\in F$ ва барча $t\in\left[0,1\right]$ учун $h\left(x,t\right)=x$ тенгликни қаноатлантирса, $r:X\to F$ кучли деформацион ретракция дейилади. Агар Y фазони қандай бўлишидан қатъий назар X фазонинг ёпиқ hY тўпламостига ўтказувчи ҳар бир h гомеоморфизм учун hY тўплам X нинг ретракти бўлаверса, hY ни абсолют ретракт дейишади (ва $Y\in AR$ каби ёзишади). Агар Y фазони қандай бўлишидан қатъий назар X фазонинг ёпиқ hY тўпламостига ўтказувчи ҳар бир h гомеоморфизм учун hY тўпламнинг (X да) шундай U атрофи топилиб, hY тўплам U нинг ретракти бўлаверса, hY ни абсолют атрофли ретракт дейишади (ва $Y \in ANR$ каби ёзишади).

Агар $i_A : A \to X$ жойлаштириш $f(A) \subset B$ бўладиган бирор $f : A \to X$ акслантиришга гомотоп бўлса, у ҳолда $A \subset X$ тўплам X да $B \subset X$ тўпламгача тортилувчан дейилади. Агарда бунда B бир нуқтали тўплам бўлса, у ҳолда A тўплам X гача тортилувчан дейилади. Равшанки, $h(y,0) = i_A$ ва $h(y,1) = \{\text{нуқта}\}$ бўладиган $h : A \times [0;1] \to A$ гомотопия топилса, у ҳолда A тўплам X гача тортилувчан бўлади.

Қуйидаги теоремалар иккинчи параграфнинг асосий натижаси бўлади.

Теорема 2.2.1. Ихтиёрий X компакт учун $\delta(X)$ фазоси $I_f(X)$ компактда кучли деформацион ретракт бўлади.

Теорема 2.2.2. Функтор I_f тортилувчан компактларни сақлайди, яъни агар X тортилувчан компакт бўлса, у ҳолда $I_f(X)$ ҳам тортилувчан компакт бўлади.

Учинчи параграфда идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг гомотопик хоссалари ёритилган. Қуйидаги теорема параграфнинг асосий натижаси бўлади.

Теорема 2.3.1. X – ANR-компакт бўлсин. У ҳолда $I_f(X)$ ҳам ANR-компакт бўлади.

Диссертациянинг «*Tych* **категориясида идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг категорик, топологик ва геометрик хоссалари»** деб номланган учинчи боби бешта параграфдан ташкил топган. Унда *Comp* компактлар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида таъсир этувчи I функторнинг кенгроқ категорияга – *Tych* Тихонов фазолари ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясига кенгайтмаси бўлган I_β функтори конструкцияси келтирилган.

Биринчи параграфда бу кенгайтманинг категорик хоссалари ўрганилган ва унинг нормаллиги ўрнатилган.

Теорема 3.1.1. $I_\beta : Tych \to Tych$ конструкцияси нормал функтор бўлади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида компакт элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори монада ҳосил қилиши кўрсатилган.

Таъриф 3.2.2. Ушбу

$$\psi_X \circ T(\delta_X) = \psi_X \circ \delta_{T(X)} = \mathrm{id}_{T(X)}$$

шартларни қаноатлантирувчи $\mathcal{C}$ категориянинг T ковариант функтори, $\delta : Id \to T$ (бирлик) ва $\psi : T^2 \to T$ (кўпайтма) табиий алмаштиришларидан ташкил топган $\mathbb{T} = \langle T, \delta, \psi \rangle$ учлик $\mathcal{C}$ категорияда монада дейилади.

$\mathbb{T}$ учликка киритилиши мумкин бўлган T функтор $\mathcal{C}$ категорияда монад функтор дейилади.

I_β функтор учун $\delta_X : X \to I_\beta(X)$ бирликни $\delta_X(x) = \delta_x$ каби аниқлаймиз, $X \in Tych$; $\psi_X : I_\beta^2(X) \to I_\beta(X)$ кўпайтмани эса $\psi_X(\alpha)(\varphi) = \alpha(\tilde{\varphi})$ формула орқали аниқлаймиз, бу ерда $\alpha \in I_\beta^2(X)$, $\varphi \in C(X)$ ва $\tilde{\varphi} : I_\beta(X) \to \mathbb{R}$ узлуксиз функция $\tilde{\varphi}(\mu) = \mu(\varphi)$ тенглик орқали аниқланади, $\mu \in I_\beta(X)$.

Теорема 3.2.1. $\mathbb{I}_\beta = (I_\beta, \delta, \psi)$ учлик $Tych$ Тихонов фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида монада ташкил қилади.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида Тихонов фазоларининг айрим C-хоссалари ўрнатилган.

Таъриф 3.3.1. P бирор топологик хосса бўлсин. P хоссага эга бирор bX компакт кенгайтмага эга X Тихонов фазоси C-P-фазо дейилади.

C-диадик фазолар, Милютин C-фазолари, Дугунджи C-фазолари, C-абсолют ретрактлар (ёки C-AR-фазолар) ўрганиш объектлари бўлади.

Қуйидаги натижалар ўрнатилган.

Теорема 3.3.2. Агар X C-диадик фазонинг салмоғи $\le \omega_1$ бўлса, у ҳолда $I_\beta(X)$ фазо ҳам C-диадик фазо бўлади.

Теорема 3.3.3. Агар X Милютин C-фазоси бўлиб, унинг салмоғи $\le \omega_1$ бўлса, у ҳолда $I_\beta(X)$ C-абсолют ретракт бўлади.

Натижа 3.3.3. I_β функтор салмоғи $\le \omega_1$ бўлган C-абсолют ретрактларни C-абсолют ретрактларга ўтказади.

Сўнгра компакт элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори Тихонов фазоларининг очиқ акслантиришларини сақлаши кўрсатилган. Қуйидаги натижа параграфнинг асосий натижаси сифатида кўрсатилиши мумкин.

Теорема 3.3.5. X ва Y Тихонов фазолари ва $f : X \to Y$ узлуксиз акслантириш бўлсин. $I_\beta(f) : I_\beta(X) \to I_\beta(Y)$ акслантириш фақат ва фақат f акслантириш очиқ акслантириш бўлгандагина очиқ акслантириш бўлади.

Тўртинчи параграфда берилган (X, ρ) метрик фазо учун $I_\beta(X)$ компакт элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазода ρ_{I_β} метрика қурилган, $I_\beta(X)$ да нуқтали яқинлашиш топологиясини ҳосил қилади ва X даги ρ метрикани $I_\beta(X)$ да давом эттириш мумкин.

Теорема 3.4.2. $\rho_{I_\beta} : I_\beta(X) \times I_\beta(X) \to \mathbb{R}$ функция $I_\beta(X)$ да метрика бўлади ва нуқтали яқинлашиш топологиясини ҳосил қилади.

Учинчи бобнинг бешинчи параграфда компакт элтувчили идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функторининг $\max$-plus-қавариқ функторлари ажратилган.

А. В. Архангельский киритган ушбу таърифни эслатамиз. Ўзининг бирор (ёки тенг кучли, ихтиёрий) bX компакт кенгайтмасида патлашишга эга X Тихонов фазоси патли ёки p-фазо дейилади. Бу ерда X фазонинг bX кенгайтмасидаги патлашиши деб,

1) ҳар бир γ_n оила X фазони қоплайди;

2) ҳар бир $x \in X$ нуқта учун $\bigcap\left\{st_{\gamma_n} x : n \in N\right\} \subset X$ бўлади

шартларни қаноатлантирувчи bX да очиқ тўпламлар оилаларининг $\left\{\gamma_n : n \in N\right\}$ кетма-кетлигига айтилади.

I_β функторнинг F функторостини қарайлик. Агар ихтиёрий X компакт ва ҳар қандай μ_1, $\mu_2 \in F(X)$ ва α, $\beta \in [-\infty; 0]$, $\alpha \oplus \beta = 0$, лар учун

$$\alpha \odot \mu_1 \oplus \beta \odot \mu_2 \in F(X)$$

бўлса, F ни I_β нинг $\max$-plus-қавариқ функторости дейилади.

Параграфнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

Теорема 3.5.1. Агар X паракомпакт p-фазо бўлса, у ҳолда $I_\beta(X)$ ҳам паракомпакт p-фазо бўлади.

Теорема 3.5.4. Бўш бўлмаган X Тихонов фазоси ва I_β функторнинг $\max$-plus-қавариқ F функторости учун қуйидаги шартлар тенг кучли:

(1) X метрик фазо;

(2) $I_\beta(X)$ фазо метрик фазолар синфида абсолют ретракт бўлади;

(3) $F(X)$ фазо метрик фазолар синфида абсолют ретракт бўлади.

ХУЛОСА

Диссертацияда топологик фазолардаги идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари фазоларининг геометрик ва топологик хоссалари тадқиқ қилинган. Қўйилган масалаларни ечиш учун $I_f(X)$ чекли элтувчили идемпотент эҳтимолликлар ўлчови фазоси ва $I_\beta(X)$ компакт элтувчили идемпотент эҳтимолликлар ўлчови фазосининг топологик ва геометрик хоссалари ўрнатилган. $I_f(X)$ тўпламнинг таърифи асосланган. Бундан ташқари $Comp$ компакт фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясидаги I функторни $Tych$ Тихонов фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясига кенгайтмаси – I_β функтори таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

1) I_f идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари функтори нормал функтор бўлиши ўрнатилган.

2) Ихтиёрий X компакт учун $I(X)$ фазонинг $\delta(X)$ қисм фазоси $I_f(X)$ компактда кучли деформацион ретракт бўлиши исботланган.

3) Функтор I_f тортилувчан компактларни сақлаши, яъни агар X тортилувчан компакт бўлса, у ҳолда $I_f\left(X\right)$ ҳам тортилувчан компакт бўлиши кўрсатилган.

4) Компактлар синфида $I_f\left(X\right)$ фазо фақат ва фақат X фазо ANR-компакт бўлсагина ANR-компакт бўлиши исботланган.

5) Идемпотент эҳтимоллик ўлчовлари I функторининг $Tych$ Тихонов фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясига I_β кенгайтмаси қурилган, бу кенгайтманинг категорик хоссалари текширилган ва унинг нормаллиги ўрнатилган.

6) I_β функтор $Tych$ Тихонов фазолар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясидаги монадага киритилиши мумкинлиги исботланган.

7) I_β функтор Тихонов фазолари узлуксиз акслантиришларининг очиқлигини сақлаши исботланган.

8) Бўш бўлмаган X Тихонов фазоси ва I_β функторнинг $\max$-plus-қавариқ F функтороcти учун қуйидаги шартлар тенг кучли эканлиги исботланган:

(1) X метрик фазо;

(2) $I_\beta\left(X\right)$ фазо метрик фазолар синфида абсолют ретракт бўлади;

(3) $F\left(X\right)$ фазо метрик фазолар синфида абсолют ретракт бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.3/30.12.2019.FM.01.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ИШМЕТОВ АЗАД ЯНГИБАЕВИЧ

ГЕОМЕТРИЧЕСКИЕ И ТОПОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПРОСТРАНСТВА ИДЕМПОТЕНТНЫХ ВЕРОЯТНОСТНЫХ МЕР НА ТОПОЛОГИЧЕСКИХ ПРОСТРАНСТВАХ

01.01.04 – Геометрия и топология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.1.PhD/FM310.

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский, русский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Заитов Адилбек Атаханович** доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** доктор физико-математических наук, профессор
	Джаббаров Гайратбай Фархадович кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Ташкентский государственный транспортный университет**

Защита диссертации состоится «12» 11 2020 года в 11^{00} часов на заседании Научного совета DSc.30.09.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана имена Мирзо Улугбека. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99878)227-12-24, факс: (+99878) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 80). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99878) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «3» 11 2020 года.
(протокол рассылки № 6 от «31» 10 2020 года).

А. Садуллаев
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д. ф.-м. н., профессор, академик

Н. К. Мамадалиев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д. ф. ф.-м. н.

Р. Б. Бешимов
Председатель научного семинара
при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д. ф.-м. н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с бурным развитием научно-технического прогресса в мире, требуются разработки новых направлений фундаментальных исследований, в частности математики и внедрения полученных результатов в практику. Многие задачи математики, возникающие из потребностей практики, сводятся к задачам, в оптимизации и оптимального управления. Понятие идемпотентной меры (меры Маслова) находит многочисленные применения в различных областях математики, математической физики и экономики. В частности, такие меры возникают в задачах динамической оптимизации. А также использование мер Маслова для моделирования неопределенности в математической экономике может быть настолько же релевантным, насколько и использование классической теории вероятностей. Поэтому результаты, полученные по теории идемпотентных вероятностных мер, имеют и теоретическую, и практическую значимость и считаются одним из важнейших областей современной математики.

В настоящее время в мире, одной из актуальных проблем современной теории функторов является решение задачи о взаимосвязи исходного пространства и производного пространства, получаемого различными функторами, в частности, функтором идемпотентных вероятностных мер. Традиционную математику над числовыми полями можно трактовать как квантовую науку. Имеется и ее «классический аналог» – идемпотентная математика, т. е. математика над полуполями (и полукольцами) с идемпотентным сложением. Идемпотентная математика продвинута весьма далеко. В частности, построен идемпотентный функциональный анализ; отмечена аналогия между идемпотентной меры и оптимизации. В традиционной математике идемпотентной вероятностной мере соответствует вероятностная мера. Однако, как показывают результаты для доказательства аналогичных результатов для вероятностных мер и идемпотентных вероятностных мер требуются различные друг от друга методы. В связи с этим изучение геометрических и топологических свойств пространств идемпотентных вероятностных мер считается целенаправленным научным исследованием.

В нашей стране усиленное внимание уделено актуальным направлениям в области естественных и точных наук, в частности, особое внимание уделяется приложению методов и результатов в особенности в задачах оптимизации и оптимального управления. Основными задачами и направлениями деятельности математической науки являются проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Функциональный анализ, геометрия и топология»[2]. Развитие теории идемпотентных вероятностных мер на топологических пространствах играет важную роль в обеспечении реализации данного постановления.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП–4947 от 7 февраля 2017 года "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" и постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП–2789 от 17 февраля 2017 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно–исследовательской деятельности", ПП–2909 от 20 апреля 2017 года "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования", и ПП–3682 от 27 апреля 2018 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов" и ПП–4358 от 17 июня 2019 года "О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах", № УП-5847 от 8 октября 2019 года “Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

